



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI

2023 йил « 16 » ноябрь

№ ПФ–195

Халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари билан амалга ошириладиган лойиҳаларни янада жадаллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари иштирокидаги лойиҳаларнинг амалга оширилишини жадаллаштириш мақсадида:

1. Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг бюджет ташкилотлари, давлат корхоналари ҳамда ўз устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар томонидан ижтимоий соҳа ҳамда инфратузилмани ривожлантириш учун халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларидан жалб қилинган ва жалб қилинадиган давлат ташқи қарзи ҳисобидан (бундан тижорат банклари орқали қайта молиялаштириладиган ёки қайта кредитланадиган маблағлар мустасно) тўлиқ ёки қисман амалга ошириладиган лойиҳалар доирасида сотиб олиннадиган товарларни (хизматларни) реализация қилишга доир айланмани, шунингдек уларнинг импортини **2028 йил 1 январга қадар қўшилган қиймат солиғидан озод қилиш** тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **бир ой муддатда** ушбу Фармондан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

3. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри



Ш. Мирзиёев